


КПСС аъзоси Олег Андоров Тошкент тепловоз депосининг зарбдор темирйўлчиларидан. Ун йилдан буён у тепловоз машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Шу давр мобайнида ишчан темирйўлчи юз минглаб километр масофани босиб ўтди. Муҳим халқ хўжалиги юклари ортилган составларни график бўйича белгиланган манзилга етказди. Депонинг илғор машинистлари қаторидан у ҳам ўзининг беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: О. Андоров.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Мусобақа пешқадамлари

Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлигига қарашли корхоналар ўртасида 1971 йил иккинчи кварталда олиб борилган социалистик мусобақага якун ясалди. Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ курашига қўшилган Меҳнат Қизил Байроқ ордени-ли 2-ун комбинатининг коллективи ана шу мусобақа ғолиби бўлди. Завод Ўзбекистон ССР Тайёрлов министрлиги ҳамда қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байрогини олишга муваффақ бўлди.

Бу коллектив 1971 йил дастлабки олти ойлик план топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Олти ойлик планга қўшимча 6526 тонна сортли ун ҳамда 9663 тонна омихта-ем реализация қилишди.

Бугун пешқадам корхона ишчи-хизматчилари яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Йил бошидан буён планга қўшимча реализация қилинган маҳсулотлар 2,5 миллион сўмга етди. Бу билан корхона меҳнат аҳли 1971 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг муҳим бир бандини адо этди.

Ишчи-хизматчилар мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятга ўзига хос тузатиш киритдилар! Улар 1971 йил планни муддатидан илгари — 10 декабрда бажарилишига ва йиллик планга қўшимча уч миллион сўмлик сортли ун ва омихта-ем реализация қилишга бел боғладилар.

* * *

Социалистик мусобақа якунларига кўра, 3-ун заводи коллективи иккинчи ўринни эгаллади. Завод меҳнаткашлари ана шу давр мобайнида планга қўшимча 2047 тонна ёки 322 минг сўмлик сортли ун етказиб бердилар.

Шаҳар реализацион дои тайёрлаш базаси коллективи ҳам йил бошидан фидокорона меҳнат қилиб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Беш йилликнинг биринчи йили ҳосилидан давлат омборига 20 минг тоннага яқин ғалла тўкилди.

1-ун комбинатининг меҳнаткашлари эса учинчи ўринни эгалладилар. Бу коллективнинг йил бошидан буён планга қўшимча реализация қилган маҳсулотни ярим миллион сўмликдан ортиб кетди.

Саёҳат — роҳат

ТУРЛИ ШАҲАРЛАРДАН

«Саёҳат» меҳмонхонаси туристларнинг севган масканларидан бирига айланиб борянти. Меҳмонхонада Совет Иттифоқининг жуда кўп шаҳарларидан оқиб келаётган туристларни кўриш мумкин. Регистратор рўйхатида Мурманскдан тортиб Жанубий Сахалингача бўлган шаҳарларнинг номи кўзга ташланади.

Мамлакат бўйича тузилган 235-саёҳат группаси қатнашчилари Тошкентга келдилар. Ҳозирча улар шаҳримиздаги музейларнинг бойликлари, янги массивлар билан таништилар. Навбатда, Ўзбекистон ва Туркманистон шаҳарлари бўйлаб саёҳат, Самарқанд, Бухоро, Хиванинг қадимий ёдгорликлари билан танишиш турибди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

6-йил чиқиши.

13 АВГУСТ 1971 й.

ЖУМА

№ 189 (1564).

БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЛКАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЧЕКАНКА ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Тошкент областининг пахтакорлари 142 минг гектардан иборат бутун майдондаги ғўзаларни биринчи чеканка қилишни тугалладилар. 40 минг гектар ерда бу иш механизмлар ёрдамида бажарилди. Оққўрғон районида эса чеканка машиналари пахтазорларнинг учдан икки қисмида ишлатилди.

Тошкент областининг қишлоқ механизаторлари ғўзаларни қайта чеканка қилишга киришдилар.

(ЎзТАГ).

●

АМУДАРЁ СОҲИЛИДА ПИЧАН ЎРИМИ

ТЕРМИЗ. Сурхондарё области хўжаликлари бу йил Амударё соҳилидаги қайир ерларда олтмиш минг тонна пичан ғунажинриб олдилар. Бу — белгиланган режадан бир ярим баравар кўпдир. Пичан ўриш ишлари шу кунларда ҳам жадал олиб борилмоқда. Кўм-кўк ўтдан аъло сифатли барра пичан бостирилмоқда.

Амударё соҳилларида бу йил биринчи марта кўплаб пичан ўриб олинмоқда. Область колхоз ва совхозларининг пичан ўриш отрядлари сентябрь ойининг охиригача шу ерда ишлайдилар.

(ЎзТАГ).

●

ЕТАРЛИ ОЗУҚА

ГУЛИСТОН, Сирдарё областининг қўриқ ерларидаги «Пахтакор» совхозида ем-хашакнинг икки йиллик запаси ғамлаб қўйилди. Хўжаликда қора мол боқишга киришилганлигига энди икки йил бўлган бўлса ҳам, унинг мустаҳкам озуқа базасини яратишга муваффақ бўлинди. Совхоз пичандан ташқари ҳар бир сигир ҳисобига сал кам уч тоннадан сенаж тайёрлади. Беда ҳосили яна икки марта ўриб олингандан кейин сенаж запаси яна анча кўпайди. Бу йил маккажўхори ҳам яхши бўлди. Гектар бошига тўрт юз центнердан ортиқ кўкпоя олинмоқда.

Пахтакор районининг ҳамма қўриқ хўжаликлари ем-хашак тайёрлашни муваффақиятли олиб бормоқда.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

◆ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тува АССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли сана — халқ революцияси ғалабасининг ва Тува Халқ Республикаси деб эълон қилинганлигининг 50 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

◆ Тонгги газеталарда «Алмашлаб экишни жорий этиш асосида чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг қарори босилган.

◆ 1971 йил 12 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-434» учирилди. Йўлдошнинг ичида ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космос фазо тадқиқотларини давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

ЯНГИЛИККА ИХЛОС ҚЎЙИБ

Урта Осиё темир йўли бошқармаси Тошкент бўлинмаси коллективи ўртасида янгилик ошиқларини бўлган ихтирочи ва рационализаторлар кўпчиликни ташкил этади. Новаторлар янги-янги қимматли таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, давлатга кўплаб наф келтирмоқдалар.

Куни кеча, бўлинманинг рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига беш юзинчи таклиф тушди. Уни ишлаб чиқаришга жорий этишдан йилига салкам икки юз минг сўм фойда кўриш мумкин.

Айниқса, 2-вагон депоси, 1-сигнал ва алоқа дистанцияси, 1-энергоучастка коллективлари ўртасида янгиликка ихлос қўйган кишилар сони ошиб боряпти. 1-вагон депосида пассажир вагонларини ремонт қиладиган поток линия ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бўлинмада амалга оширилаётган ана шундай ибратли тадбирлар темирйўлчилар меҳнатини осонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кўплаб дизель ёқилғисини тежаб қолиш имконини бераяпти.

ОБ-ҲАВО

БУГУН Тошкентда ҳаво очиқ. Шарқдан секундига 3-7 метр тезлик билан шамол эсмоқда. Ҳарорат кундузи 36 даражагача кўтарилди.

ИБРАТЛИ ИШ

Пойафзалчилар маданият саройи 1-пойафзал фабрикаси ишчи-хизматчиларининг севимли даргоҳига айланган. Бу ер доимо одамлар билан гавжум. Ҳозир маданият саройида 19 тўгарак ишлаб турибди. Уларда 500 га яқин киши шуғулланмоқда.

Саройнинг «Патриот» вокал ансамбли эса кўпчилик эътиборини қозонган. Ансамблнинг ҳаваскор артистлари кўплаб корхона ва муассасаларда, маданият ва истироҳат боғларида ватан, халқ ҳамда партия ҳақида қўшиқлар ижро этиб, томошабинларни мамнун этишган.

Саройда тез-тез турли хил қизиқарли учрашувлар, лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Жумладан, ўзбек композиторлари билан учрашув ўтказиш ва уларнинг янги асарлари билан таништириш мўлжалланмоқда.

Маданият саройи В. И. Ленин юбилейи йилида оммавий маданий ишларни яхши йўлга қўйганлиги учун ВЦСПС ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг дипломлари билан тақдирланди.

✻ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ



«Болалар дунёси» универсал магазинида янги ўқув йили олдидан мактаб бозори ташкил этилди.

СУРАТДА: магазиннинг ёш ишчан сотувчиларидан Раъно Рихснева билан Ольга Воеводова харидорларга ўқув қуроллари танлашда ёрдам бермоқдалар. М. Нуриддинов фотоси.

Вьетнам ёшлари Тошкентда ўқимоқда

Вьетнам Демократик Республикасидан келган 150 йигит ва қизга Тошкент Давлат университетининг тайёрлов факультетини битирганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Совет олий ўқув юртларининг бўлажак студентлари Тошкентда рус тилидан тайёргарлик курсларини тугатдилар. Улар энди математика, физика, химия, чизмачиликни ўрганадилар.

Тантанали кечада республика ёшлар ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари уларни табрикладилар.

Тайёрлов факультетидаги юртдошлар уюшмасининг раҳбари Тюу Ван Тхонг совет ҳукуматига, совет халқига, вьетнам ёшларининг меҳрибон мураббийлари бўлиб қолган ўзбек педагогларига миннатдорчилик айтди.

Тайёрлов факультетини битириб чиққан йигит ва қизларнинг кўпчилиги Тошкент университетига, политехника, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги институтларига қабул қилинди.

Шу билан тайёрлов факультети ўнинчи марта ёшларни олий мактаб қучоғига узатди. Шу йиллар мобайнида бу ерда Ҳиндистон, Куба, Монголия, Цейлондан — жами дунёнинг 27 мамлакатидан келган ёшлар ҳам таълим олди. Уларнинг кўплари Тошкент олий ўқув юртларининг дипломларини олиб ўз юртларига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

УЧИНЧИ СЕМЕСТР — ДАЛАДА

Шаҳар — қишлоққа

Қўйлиқдаги 2-Тошкент индустриал — педагогика техникумининг студентлари учинчи семестрларини меҳнат кучоғида ўтказмоқдалар. Улар Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози аъзоларининг етиштирган мўлқўл сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиб-териб олишда кўмаклашмоқдалар. Студентлар шу кунгача 100 тоннага яқин картошка, 15 тонна бодринг, помидор, 60 тонна сабзи ва бошқа маҳсулотларни йиғиб-териб олдилар. Шунингдек, карам экиш, помидор ва карам чопиғида ҳам катта ёрдам бердилар.

Студентлар, айниқса қишлоқ хўжалик машиналарини сифатли ремонт қилишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг кучи билан бешта трактор ,олтита комбайн, 29 сеялка ва культиватор ремонт қилинди. Студентлардан Э. Умрқулов, С. Абдухалилов, С. Маҳмудов, З. Валишев, С. Солиев ва Худойбердиевлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ЖИНОЯТ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАСИН

Суръат тезлаштирилсин

Объектда иш анча жонланиб кетди. Барча қаватларда монтаж қилаётган, девор ва полларга сайқал бераётган, мосламаларни созлаётган мутахассисларни кўриш кишига завқ бағишлайди. Шуниси қувончлики, июль ойида бош пудрат иш-лари топшириш ортиги билан адо этилди. Бир ой мобайнида 240 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Аммо қурилишда иштирок этаётган баъзи пудратчи ташкилотларнинг секин ишлаши бунга имкон бермади. Афтидан, бу коллективлар масъулиятни яхшироқ ҳис этишмаётганга ўхшайди.


«Ташкранспецстрой» трестига қарашли 68-қурилиш бошқармасининг иш фаолияти қониқарли эмас. Бу бошқарма объектда ҳали тузукроқ иш бошлагани йўқ. Шунга қарамай, трест раҳбарлари ҳам, бошқарма вакиллари ҳам оператив планеркада қатнашмайдилар. Ҳолбуки, Бош универсал магазин қурилишида ишларни тезлатиш ҳақида шаҳар партия комитети махсус қарор қабул қилиб, пудратчи ташкилотлар зиммасига масъул вазифа юклаган.

Шунингдек, «Казмонтажавтоматика» ҳамда ёнгинга қарши автоматика бошқармаси вакиллари ҳам планёркага мутлақо қатнашмаётирлар. Пардозлаш трестига қарашли «Термоизоляция» бошқармаси ишчилари ишга жиддий киришганларича йўқ. Томни ёпиш чўзиб юборилди, бўлаклар сусткашлик билан бартараф этилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, 11-«Висотстрой» трестига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бош пудратчи сифатида ёрдамчи пудратчилар ишини етарли назорат қилмаяпти. Бунинг устига, қурувчилар анчагина чалкашликларга йўл қўйишган. Пардозловчилар ишини тўхтатмаслик учун бу камчиликларни дарҳол бартараф этиш лозим бўлади.

Объектда қурувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш масаласи буюртмачи зиммасига юклаган эди. Бу муҳим масала ҳамон бажарилгани йўқ. Қурувчилар узоққа боришга овқатланиш туфайли, анча вақтларини беҳуда ўтказишга мажбур бўлишмоқда. Иссиқ овқат, сут маҳсулотлари, квас ва газли сув ҳамда кондитер маҳсулотлари билан савдо қилишни тезда уюштириш керак. Шаҳар партия комитети бюроси қарорида баҳорнинг охириданоқ иссиқ овқат билан савдо қилиш зарурлиги кўрсатилган эди. Афсуски, буюртмачи ўз зиммасига юкланган масъулиятни тезда бажаради.

Объектда иш қизғин. Эндиликда, барча пудратчи ташкилотлар билан бош пудратчи қанчалик уюшиб, баҳамжаҳат иш олиб борса, қуриш суръати ҳам шунчалик тезлашади. Ҳар бир қурилиш ташкилоти тез ва сифатли ишлаши лозим. Фақат шундагина объект ўз муддатида фойдаланишга топширилади.



Марказий универсал магазини қурилишида. Ислом Марданов бошлиқ электр пайвандчилар бригадаси коллективи намунали ишламоқда. Бу коллектив фақат 75-қурилиш бошқармасида эмас, балки 11-«Висотстрой» трестида ҳам илғорлардан ҳисобланади.

СУРАТДА: И. Марданов.

И. Шовнағомов фотоси.

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИНГИЗ УЧУН

«Болалар дунёси» магазини янги ўқув йили арафасида болалар ливослари ва ўқув қуроллари бозорини ташкил этди. Харидорлар талабини қондириш мақсадида Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларнинг корхоналаридан жуда кўп кўйлак, пойафзал, плашч, пальто, мактаб формалари, хилма-хил ўқув қуроллари олиб келинди.

Бозорни яхши ташкил этиш мақсадида уч миллион сўмлик мол ажратилиб, 400 дан ортиқ савдо ходими сафарбар этилди. Мактаб бозори 1-Май кўчасидаги магазинда, Ленин ва Карл Маркс кўчаларидаги ярмаркаларда ўтказилади.

МАКТАБЛАР ТАЙЁР

Собир Раҳимов районидаги ўрта мактабларнинг педагогика коллективлари янги ўқув йилини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Райондаги 1, 16, 24, 111, 133-мактаб бинолари тўла капитал ремонтдан чиқарилди. Қўшимча синф хоналари қурилди, тажриба хоналари, лабораториялар ишга шайланди. Спорт майдонлари ҳозирланди. Бу ишларни шаҳар ремонт қурилиш трестининг 5-бошқармаси олиб борди.

Бундан ташқари, 28, 14, 33, 35, 36-мактабларнинг педагогика коллективи ва ўқувчилар ёрдами билан ремонт қилинди. Янги ўқув йилида 2 минг 200 болага қувонч бахш этилади. Иккита янги мактаб биноси ишга туширилади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОФИЯ

«Земеделске знамя» газетаси қуйидагиларни ёзади: СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома ана шу ҳар иккала мамлакат учунгина эмас, балки Осиёда ва бутун дунёда хавфсизлик ҳамда осойишталик бўлишини таъминлаш учун ҳам муҳим сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Совет - Ҳиндистон Шартномаси, деб таъкидлайди газета, аввало, ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик, бир-бирларини ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида барча мамлакатлар билан ҳамкорлик, ҳар томонлама алоқа ва дўстликни кенгайтириш юзасидан КПСС ва Совет ҳукумати изчиллик билан ўтказиб келаётган принципиал сиёсат самарасидир. Ана шу ҳаққоний принциплар ССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни характерлаб беради.

БУДАПЕШТ

«Непсава» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Совет-Ҳиндистон Шартномаси «жаҳоншумул аҳамиятга эгадир». Имзоланган Шартнома, деб ёзади газета, турли ижтимоий-сиёсий системаларда мавжуд бўлган икки давлат тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилганларида улар ўртасида муносабатлар қай тарийқа ривожлантиришни кўрсатувчи ўрнакдир.

(ТАСС).

САН-ХОСЕ

Коста-Рика пойтахти олган хабарларга қараганда, Гватемала ватанпарварлари ҳар куни мамлакатда авж олиб кетган реакция қурбони бўлмоқдалар. Бу — генерал Карлос Арана ҳукумати авж олдирган юборган қонли террор сиёсатининг натижасидир. Бу сиёсатдан кузатилган мақсад, Америка монополиячиларининг мамлакатдаги ҳукмронлигига қарши қаратилган ҳар қандай демократик ҳаракатни тор-мор келтиришдир.

Коста-Рикада чиқадиган «Либертад» газетаси қуйидагиларни ёзади: «ярим ҳарбийлаштирилган террорчи шайкалар коммунизмга қарши кураш деган бемаъни баҳона билан Гватемала аҳолисини даҳшатга солмоқдалар ва мамлакатни демократлаштиришни талаб этаётган кишиларнинг ҳаммасини ўлдирмоқдалар».

(ТАСС).

КП

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари ва шаҳар халқ контроли комитети ГУМ қурилишида

✦ ПАРДОЗЧИЛАР КУТИБ ҚОЛМАСИН.

✦ «ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ ҚАЧОН ЧИНАКАМИГА ИШГА КИРИШАДИ?

✦ БОШ ПУДРАТЧИ ИШЛАРНИ ЧАЛА ҚОЛДИРМОҚДА.

✦ ҲАР БИР ИШДА СИФАТ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIV съезди социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлари негизида, унинг самарадорлигини ошириб, илмий-техника тараққиёти асосида ҳамда меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш йўли билан халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада оширишни тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси деб белгилади.

Бу вазифани бажаришда капитал қурилиш алоҳида аҳамият касб этади. Совет қурувчилари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқани тараққий эттиришга, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, социалистик маданиятни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Саккизинчи беш йилликда Ўзбекистонда 13,9 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,7 баравар кўпайди, юзга яқин йирик саноат корхонаси ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга солинди.

Электр энергетика, машинасозлик, химия ва газ саноати, рангли металлургия сингари халқ хўжалигида техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилди. Енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ҳамда саноатнинг халқ кенг истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган бошқа тармоқлари ҳам равнақ топди.

Янги ерларни ўзлаштириш, гидротехника иншоотлари қуриш ҳамда колхоз ва совхоз поселокларини қайта қуриш юзасидан ишлар кенг кўламда олиб борилди.

Саккизинчи беш йиллик мобайнида 26 миллион квадрат метр уй-жой, кўплаб маданий ва маиший муассасалар бунёд этилди.

Шу билан бир қаторда республикада капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, пул ва моддий-техника ресурсларини ишга туширилиши лозим бўлган энг муҳим қурилишларга жамлаш ҳамда чала қурилишларни камайтириш юзасидан бирмунча иш қилинди.

Олмалиқда қисқа муддатда химия ва рух заводларининг бунёд этилиши йирик саноат комплекслари қурилишининг чинакамига илғор тажриба мактабига айланди, ишга туширилиши лозим бўлган объектларга куч ва маблағларни жамлашнинг намунаси бўлиб хизмат қилди. Республика Пахта тозалаш саноати министрлигида капитал маблағлардан фойдаланиш анча яхшиланди, бунинг натижасида ана шу тармоқда 1970 йилнинг ўзидаёқ тугалланмаган қурилишлар ҳажми 26 процент камайди.

Республикада қурилиш ва монтаж ташкилотларининг қувватини муттасил ошириб бориш, қурувчилар коллективларининг мукум бўлишини таъминлаш, уларни юқори унумли техника билан жиҳозламоқ учун бир мақсадни кўзлаб иш тутилмоқда. Қурилиш ишлаб чиқаришини индустриаллаштириш даражасини кўтариш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Пленум Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалик, Автомобиль йўллар қурилиши ва эксплуатацияси министрликларига қарашли ҳамда «Средазирсовхозстрой», «Узглавводстрой», «Узколхозстрой» қурилиш ташкилотлари, «Ўзбекгидроэнергострой», «Средазтранспстрой», «Средазэлектросетьстрой» трестлари яхши ишлаганликларини мамнуният билан қайд этади. Бу ташкилотлар 1971 йил социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқдалар.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми таъкидлайдики, айрим министрлик ва муассасалари ҳанузгача капитал маблағларни сочиб юборишдек ёмон практика давом этмоқда, маблағлар чала қурилишларни битказишга сарфланмасдан, балки янги қурилишлар бошлаб юборилмоқда.

Республика давлат план комитети, давлат банки ва қурилиш банки капитал қурилишда планлаштиришнинг янги тартибини жорий этиш устидан зарур назорат ўрнатмадилар.

Айрим министрлик ва муассасалар, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни, ускуналарни муҳлатида етказиб беришни таъминламаётгани, ер участкаларини ажратиш ва эски иморатларни бузиб ташлашни пайсалга солмоқдалар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ҳақни ўз вақтида тўламаётирлар.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишида ҳам жиддий камчиликлар бор. Бу ташкилотларнинг кўпи давлат пудрат ишлари планини ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, уй-жой, маданий-маиший муассасалар қурилишлари планини бажармаётирлар.

Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой», Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бир қатор муҳим объектлар қурилишини суст олиб бормоқдалар. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши айниқса қониқарсиз бормоқда.

Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой» шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини камайтириб қўйдилар. Бу ташкилотларга қарашли трестларнинг бир қисми пудрат ишлари планини умуман бажармади.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги планда кўрсатилган объектлар қурилишига путур етказиб, одамлар ва моддий-техника ресурсларини тўғридан-тўғри тузилган шартномаларда кўзда тутилган ишларни бажаришга ва капитал ремонт бўйича белгиланган планларни ошириб бажаришга жалб этмоқда.

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар оқибатида, беҳуда сарф-харажатлар сабабли ҳамда меҳнат ва давлат интизомининг бўшлиги оқибатида айрим коллективлар катта зиён кўрди.

Кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотларида ислоҳотни амалга оширишга суст тайёргарлик кўрилмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш резервларидан фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти, қурилишнинг асосий фондларидан фойдаланишга, қурилишдага оғир ва сермеҳнат ишларни ва айниқса пардозлашдаги ишларни механизациялашга кам эътибор берилмоқда. Қурилиш ташкилотларининг айримлари ўзларининг ишлаб чиқариш базаларини ва қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожлантиришга зарур даражада эътибор бермаяптилар.

Пленум таъкидлайдики, айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳали ҳам капитал қурилишга раҳбарликдаги камчиликларни суст бартараф этмоқдалар, қурилиш-монтаж ташкилотларининг капитал маблағларининг, куч ва воситаларининг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилиши билан муросасозлик килмоқдалар, ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳамда уй-жой ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган давлат планларининг бажарилиши юзасидан хўжалик раҳбарларига зарур талабчанлик кўрсатмаётирлар. Қурилиш ташкилотларида муқум коллективлар бунёд этишга етарли эътибор берилмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми **қарор қилади**:

1. Республика партия, совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси тўққизинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини бажаришдан, ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ҳамда маданий-маиший муассасаларини қуриш ва фойдаланишга топширишдан иборат қайд ҳисоблансин.

2. Министрлик ва муассасалардан капитал маблағларни планлаштиришни кескин яхшилаш, уларни ишга тушиши лозим бўлган қурилишларга жамлаш, бир вақтнинг ўзида қурилаётган объектларни камайтириш ва шу асосда қурилиш муддатларини кескин камайтириш талаб этилсин.

Республика давлат план комитети, давлат банки ва қурилиш банкининг капитал маблағларни планлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан масъулиятни оширилсин, уларнинг бу иш устидан назорати кучайтирилсин.

Республика давлат план комитетига 1980 йилга қадар Ўзбекистон ССР ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттириш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини Қорақалпоғистон АССР ва республика областлари бўйича бир текис ва тўғри жойлаштиришни таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, министрликлар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига қуйидагилар юклатилсин:

а) капитал маблағлар биринчи навбатда ишлаб турган саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ва ишлаб чиқариш қувватларининг оширилишига сарфланиб, илғор технология жорий этилсин, эскириб қолган ва самараси кам бўлган ускуналар модернизация қилинсин ва алмаштирилсин;

б) саноат корхоналари қурилиши, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши билан бир вақтда амалга оширилсин, саноат узелларини бунёд этиш иши яхшилансин.

4. Пленум республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайди:

а) планда шу йил ишга туширилиши мўлжалланган янги ишлаб чиқариш қувватлари, янги совхозлардаги суғориладиган ерлар ва бошқа саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари сўзсиз ишга солинсин; қурилиши марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган, ишга тушиши лозим бўлган қурилишлар ва объектларга биринчи навбатда ишчи кучлари, моддий-техника ресурслари жалб этилсин;

б) қурилишнинг ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришни жадаллаштириш учун қўшимча тадбирлар белгилансин, бунинг учун аввало куч ва маблағлар ишга туширилиши лозим бўлган объектларга жамлансин ҳамда уларнинг қурилиш муддатлари қисқартирилсин;

в) икки ойлик муддат ичида 1971—1975 йилларда меҳнат унумдорлигини оширишнинг комплекс тадбирлари ишлаб чиқилсин ва шу тадбирлар амалга оширилиши натижасида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ишчилар сонини ортиқча кўпайтирмасдан оширилсин:

г) 1971 йилнинг 1 ноябрига қадар қурилиш ва монтаж ташкилотларида муқум бинокорлар ва монтажчилар коллективларя бўлиши юзасидан тадбирлар белгилансин. Шу мақсадда ҳар бир трест, бошқарма, кўчма механизациялашган колоннада шу йилиёқ социал тараққиёт планлари тузиб чиқилсин;

д) шу беш йилликда ҳамма корхоналар ва ташкилотлар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилсин;

е) иқтисод ва тежамкорлик ҳисобига КПСС XXIV съезди Директиваларида кўрсатилган миқдорларда цемент, металл, тахта ва бошқа материалларнинг тежалишига эришилсин.

5. Пленум енгил саноат, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати корхоналари, уй-жой, болалар муассасалари, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилишини ва битказилишини жадаллаштириш зарур деб ҳисобласин.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига ана шу объектлар қурилишини ҳамиша назорат қилиб туриш топширилсин.

6. Қурилиш Давлат комитетига, Қурилиш ва монтаж министрликлари, муассасалари ва ташкилотларига уч ой муддат ичида 1971-1975 йилларга мўлжалланган капитал қурилишда техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш топширилсин, бу тадбирларнинг бош йўналиши иморатлар ва иншоотлар вазнини камайтиришдан, қурилишни индустриаллаштириш ва механизациялаш даражасини оширишдан ва меҳнатни илмий ташкил этишдан иборат бўлиб, қурилиш таннархини арзонлаштиришга ва меҳнат унумдорлигини белгиланган даражада оширишга эришиш лозим. Илғор тажрибани жорий этишга, энг аввало пардозлаш ва ёрдамчи ишларда оғир қўл меҳнати салмогини камайтиришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

7. Пленум министрликлар, муассасалар, корхоналар ва буюртмачи бўлган ташкилотлардан қуйидагиларни талаб қилади:

а) лойиҳа ишларига, технологик ва ностандарт ускуналарга, махсус материалларга заявкалар ўз вақтида ва бекамикўст берилиши таъминлансин, янги қурилишлар учун ер ажратиш масаласи ҳам ўз вақтида ҳал этилсин;

б) 1971 йилда ишга туширилиши лозим бўлган қурилишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан, ускуналар билан ва маблағлар билан таъминланганлиги қисқа муддатда қараб чиқилсин. Ана шу қурилишларни шу йилда сўзсиз битказиш учун зарур чоралар кўрилсин. Ҳукумат қарори лозим бўлган масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклифлар юборилсин.

8. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советлари зиммасига шаҳарлар ва қишлоқларда қурилиш бораётганида бош планларга риоя қилинишн устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилсин, қурилишлар архитектура хизматининг ижозатисиз бошланмасин.

9. Қурилиш Давлат комитетига, лойиҳа институтларига ўз ишларини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Лойиҳа-смета ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида тезрок қайта қуриш топширилсин, ҳужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва топшириш таъминлансин, лойиҳаларнинг техникавий даражаси ва сметаларнинг сифати кўтарилсин, лойиҳа ишларининг таннархи арзонлаштирилсин.

10. Меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари эътибори капитал қурилишга раҳбарликда мавжуд бўлган жиддий камчиликлар ва нуқсонларга қаратилсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари область, шаҳар ва районларда уй-жой ва маданий-маиший қурилиш учун ҳамда шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолати ва ободончилиги учун маҳаллий Советларнинг жавобгарлигини оширсинлар, бу ишда уларга ҳамиша ёрдам берсинлар. Қишлоқ қурилишига алоҳида эътибор берилсин.

11. Пленум Тошкент шаҳар партия ташкилотидан республика пойтахтида капитал қурилишни тубдан яхшилашни, «Главташкентстрой» ишидаги камчиликларни батамом бартараф этишни талаб этади. Қурувчиларнинг куч-ғайрати шунга қаратилиши керакки, яқин бир-икки йил ичида шаҳарда комплекс тарзда йилига кам деганда 1 миллион квадрат метр уй-жой қурилиши керак.

12. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

— капитал қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ва маданий-маиший муассасаларни қуриб битказиш бўйича тўққиз ойлик планларни сўзсиз бажариш учун тадбирлар белгилансин;

— қурилиш-монтаж трестлари, бошқармалари, колоннлари ва уларнинг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик яхшилансин, уларга коллективларда сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб боришда, кадрлар билан таъминлаш ва кадрларни мустаҳкамлашда кундалик ёрдам кўрсатилсин, қурилишда ишлаётганлар учун нормал иш ва турмуш шароитлари яратиш юзасидан хўжалик раҳбарларига талабчанлик оширилсин:

— қурилиш-монтаж ташкилотларида ҳамда хунар-техника таълими системасидаги қурилиш билим юртларида кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш юзасидан назорат кучайтирилсин. Икки ҳафталик муддат ичида хунар-техника таълими билим юртлари қурилишининг бориши қараб чиқилсин ва қурилиш-монтаж ташкилотлари раҳбарларидан бу объектларни белгиланган муддатларда қуриб битказиш талаб этилсин.

13. Қурилиш бўлинмаларининг, лойиҳа институтлари, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига коллективларнинг қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга бош бўлиш топширилсин. Партия ташкилотлари меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш масалаларига, интизомни мустаҳкамлашга, коллективларда хизмат бурчини бажариш учун ҳар бир кишининг юксак масъулиятини тарбиялашга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми қатъий ишонч билдириб айтадики, партия комитетлари, Ўзбекистон Компартиясининг бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун отланган қурувчилар ва монтажчилар, лойиҳа ташкилотлари ва саноат корхоналари ходимларининг меҳнат ғайрати, ижодий активлиги ва қурашига, капитал қурилиш юзасидан 1971 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга бош-қош бўладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига

ШАҲАР ДАРВОЗАЛАРИ ОЗОДАМИ?

Кўпинча аэропорт ва вокзални «шаҳар дарвозалари» деб аташади. Бу ном уларнинг зиммасига маълум масъулият ҳам юклайди. Шаҳримизга келган меҳмонлар, одатда, «дарвоза»ларни кўриб шаҳар ҳақида фикр юритадилар. Демак, бу ерда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатилиши ва албатта, санитария тартиби ўрнатилган бўлиши керак.

Мана шу ёз ойларида Тошкент аэропортига ҳар куни беш-ўн мингга яқин киши келиб кетиб турибди. Аммо, бу ерни тоза деб бўлмайди. Аэропорт хоналари ифлос: теварак атроф территорияда қоғозлар, папирос қолдиқлари сочилиб ётибди, ахлатдонлар тўлиб кетган, ошхона яқинидаги ахлат қутиси тўлиб-тошиб кетган, қавзалардан бириган сув эскирганидан кўкариб кетган. Аэропорт яқинидаги хиёбон жуда ифлос. Шота Руставели кўчасидаги шаҳар агентлигининг биноси ва унинг атрофидаги территорияни ҳам озода деб бўлмайди.

Темир йўл вокзалида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Вокзал олди майдони тоза эмас. Тошкентдаги энг йирик «Самарқанд» автомобиль станциясининг бошлиғи Ерингауз ўртоқлар қисқа вақт ичида текширувчилар кўрсатган қатор камчиликларни тузатишга, бирмунча санитария тартиби ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Уз-ўзидан савол туғилади. Нима учун улар ўзларига ишониб топширилган объектларда озодалик ўрнатиш ҳақида ўз вақтида қайғурмаганлар. Буни, уларнинг ободонлаштириш ишини иккинчи даражали бир нарса деб ҳисоблаб, у билан жиддий шуғулланишни истамаганликлари билан изоҳлаш мумкин. Бу раҳбарлар санитария врачларининг талабларига жиддий эътибор бермаганликлари учун штаб мажлисида жавоб бердилар.

Аэропорт, шаҳар агентлиги, вокзал ва автостанция раҳбарларига 15 августга қадар намунали тартиб ўрнатиш таклиф этилди.

Тошкент-пассажир станциясида санитария милицияси постини ўрнатиш белгиланди.

Темир йўл санитария хизматининг эътибори қатор магазинларда, амбулаторияларда, мактаб территорияларида намунали озодалик ўрнатилмаганлигига қаратилди.

Шаҳар штабининг мажлисида Ободонлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Исломовнинг маиший чиқиндилар шаҳар ахлатхонасининг қурилиши ва уни фойдаланишга топшириш ҳақидаги қисқа ҳисоботи ҳам тингланди. Бу ерда йўл қурилган, машиналарни ювиш учун ер кавлаб, сув чиқарилган, қатор енгил маиший хоналар қурилган, яқинда эса, бу ерлар электрлаштирилади. Қолган ишлар шу йилнинг учинчи кварталида ниҳоясига етказилади.

Шунингдек, штаб мажлисида тозалаш канализация бош иншоотларининг аҳволи ва улардан фойдаланиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Докладчи — шаҳар санитария эпидемиология станциясининг бош врачи ўртоқ Жалолов уларнинг ҳаммаси санитария нормаларига жавоб беришни қайд қилиб ўтди. Фақат биология тиниқтгичларини кўпдан бери тозаланмаган. «Водоканал» трестига икки ой ичида тозалаш ишларини тугаллаш таклиф этилди.

Штаб мажлисида меҳмонхона ва бозорларнинг раҳбарларига мазкур объектларда намунали озодалик ўрнатиш юзимлиги яна бир марта уқдириб ўтилди.

** Директивалар ва ишчи мулоҳазаси*

„Зангори кема“лар ижодкоримиз

«Пахтачиликни янада юксалтириб, етиштириладиган пахтани 1975 йилда 4,9 миллион тоннага етказиш таъминлансин... Пахтачилик учун пахта териш машиналари ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин...»

(КПСС XXIV съезди Директивалардан).

КПСС XXIV съезди тарихий қарорлари ва Директиваларида янги тўққизинчи беш йилликда мамлакатимиз халқ хўжалигини янада ривожлантириш, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда совет кишиларн турмуш даражасини янада юксалтириш кўзда тутилган. Биз ишчилар, шуни яхши биламизки, партиямиз ҳар доим халқ манфаатини кўзлаб иш қилади.

Буни корхонамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўтган саккизинчи беш йилликнинг ўзида заводимизнинг юзлаб ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказдилар. Шу давр ичида уларнинг ўртача ойлик маоши ошиб, турмуш даражалари анча юксалди.

Коллективимиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг биз ишчиларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан янада унумли ишлаб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшиш ишқи билан ёнганлар. Меҳнатимизга берилаётган юксак мукофотлар ҳам бизларни янги қаҳрамонликларга чорламоқда.

Яқинда, СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, саккизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатган корхонамизнинг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан 63 киши ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланди. 1-куюв цехининг қолипловчиси Адҳам Пўлмонов ва 10-пресслаш цехининг слесари Абдураҳим Алимуҳамедовлар Ленин ордени билан, 5-цехнинг смена бошлиғи Маҳмуд Абдуллажонов, 15-механика цехининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов, завод бош технологи В. А. Константопула, 33-цех шофёри Қўчқор Абдурасулов «Октябрь революцияси» ордени билан ва бошқа ҳамкасбларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган беш йиллик коллективимизга катта зафарлар келтирди. Ишчиларимиз шу йиллар ичида қишлоқ меҳнаткашларига 42 мингга яқин (икки қаторли ҳисобида) пахта териш машиналарини тортиқ қилдилар.

КПСС XXIV съезди мамлакатимиз халқ хўжалиги олдига улкан вазифалар қўйди. Партиямиз Директивасининг Ўзбекистон ССР бўлимида 1975 йилга бориб республикамизда пахта қосилини 4,9 миллион тоннага етказишни таъминлаш кўзда тутилган.

Ҳа, пахта серқуёш республикамизнинг асосий бойлиги, миллий ифтихори, пахта-ўзбек халқининг бепоён Ватанимиздаги барча халқлар билан қардошларча бирдамлигининг буюк тимсоли.

Буни биз машинасозлар жуда яхши тушунамиз. Ана шунинг учун, пахтакорлар оғирини енгил қиладиган қудратли агрегатлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Чунки, ишчи билан деҳқон бирлиги, «Уроқ ва Болға» иттифоқи туфайлигина юксак натижаларга эришилади.

Съезд Директиваларида партия ва ҳукуматимиз корхонамиз меҳнаткашларига юксак ишонч билдириб, уларни янги беш йилликда пахта териш машиналарини тағин

- **СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИГА — АМАЛИЙ ЖАВОБ.**
- **«УРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИ.**
- **ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ.**
- **ИШЧИЛАР ҒАЙРАТИ.**

ҳам кўпроқ ишлаб чиқаришга чақирди.

Жонажон партиямизнинг бу чақириғи биз ишчиларни янада баракали меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалиги учун энг зарур бўлган машиналар ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтиришга руҳлантиряпти.

Янги беш йилликнинг дастлабки йилида заводимиз меҳнат аҳли пахтакорларга 11 мингта (икки қаторли ҳисобида) пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришга қарор қилганлар.

Ҳозирги кунда корхонамизда катта реконструкция ишлари олиб борилмоқда, беш йилликнинг охирига бориб, барча реконструкция ишлари тўла-тўкис ниҳоясига етади. Заводимизнинг ишлаб чиқариш қуввати эса қарийб икки баравараги ошади.

Халқимизда эр киши қирққа кирса, қирчиллама йигит бўлур, деган нақл бор. Заводимиз ҳам эндигина қирқ ёшга тўлди. Унинг қирчиллама йигитлик даври энди бошланаяпти.

Корхонамиз цехларида беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш ҳаракати қулоч ёйган. Ишчиларимиз ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этиб, яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган етти ойда эришган меҳнат зафарларимиз бунга мисол бўлаолади. Шу давр ичида 6.180 та (икки қаторли ҳисобида) қудратли агрегатлар тайёрладик. Қишлоқ меҳнат аҳлига ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 240 минг сўмлик кўп эҳтиёт қисмлар жўнатилди.

Давр ва замон тақозаси биздан бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумли ишлашни талаб этади. Биз, ишчилар, ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан партия XXIV съезди қарорлари ва Директивасининг ҳаётга тадбиқ этишга муносиб улуш қўшамиз.

М. МУИДИНОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори, Тошкент шаҳар Советининг депутати.

2-бет. Тошкент оқшоми

13 АВГУСТ, 1971 й.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ҚЎНГИЛБУЗАР МАНЗАРА»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 12 май сонида босилган материалда Собир Раҳимов районидаги айрим маҳаллаларнинг санитария ҳолати танқид қилинган эди. С. Раҳимов райони ички ишлар бўлими газета материали юзасидан текшириш ўтказиб, фактларни аниқлади. Маҳалла жамоатчилиги ёрдамида анча ишлар қилинди. Шунингдек, «Автодормехбаза» район бўлимининг нормал ишлаши таъминланди.

«ЁЗНИНГ ИССИҚ БИР КУНИДА»

Шу сарлавҳа остида 8 июлда босилган газета материалида шаҳардаги кўпгина газ сув автоматларининг яхши ишламаётгани танқид қилинган эди.

«Ташлимводторг»дан жавоб олинди. Унда кўрсатилишича, газета материали текширилди ва ундаги фактлар тўғрилиги аниқланди. Механиклардан Якшиянц, Қосимов, Алмишев, Муганов, Неъматовларнинг қоникарсиз иш фаолияти муҳокама этилди. Автоматларнинг нормал ишлаши юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

«ТАКСИМИ Ё ШАХСИЙ МАШИНА?»

Такси хизматидаги айрим нуқсонлар, чунончи баъзи бир шоферларнинг ножўя хатти-ҳаракати юқоридаги сарлавҳа остида газетамизнинг 9 июль сонида танқид қилинган эди.

5-автокомбинатдан олинган жавобда кўрсатилишича, йўловчиларга хизмат этишдан сабабсиз бош тортганликлари учун 05-68 ТНГ, 88-57 ТНВ, 07-91 ТНГ машиналарининг шоферлари Ҳусанов, Муталов, Зоҳидовларга қаттиқ виговор эълон қилинган.

КАШФИЁТ СИРЛАРИ

(Ҳаваскорлар шеърларига обзор)

ШЕЪР, ҚЎШИҚ — инсоннинг доимий йўлдоши. Гоҳо кишида шундай бир қафият бўладики, нималар ҳақидадир куйлагиси, нималарнидир шеърга солгиси келади. Табиат гўзаллиги, муҳаббатнинг қувонч ва изтиробларн, ҳаётдаги ўзгаришлар унинг учун дастлабки туртки бўлади.

Редакциямизга шеър йўллаган ҳаваскорларда ана шу интилиш, шу иштиёқ иқлол кўзга ташланади. Табиийки, шеърлар савияси турли даражада. Баъзилари муаллифнинг узоқ машқлар йўлини босиб ўтганлигидан дарак берса, баъзилари у эндигина қўлига қалам ушлаганини кўрсатади.

Самарқандлик ҳаваскор О. Даминовнинг шеърларидаги равонлик, фикрий аниқлик, соддалик киши диққатини жалб этади. Мана унинг «Оқшом» деб номланган кичик бир шеъри.

Осмонда сайр этар
сиянқ ой,
Ишқ эзган дилимдай
тиниқ ой.
Гарчи у сиянқдир,
осмонинг —
Бус-бутун ва ширин
достони!
Мен уни ўқийман ҳар
оқшом,
Уйқудан ширинроқ зар
оқшом...

Бу шеърда гарчи катта бир гап бўлмаса ҳам, ундаги тасвир, равонлик, ўхшатишлар муаллиф яхши сатрлар яратишга қодир эканлигини кўрсатади .Бундай хусусиятлар тошкентлик Э. Охунжонов, Тошкент областидан Б. Қосимова, П. Тожиев, фарғоналик М. Носиров, қашқадарёлик М. Холмуродов, наманганлик С. Турғунов, сурхондарёлик Ж. Шойназаровларнинг шеърларида ҳам мавжуд. Бу ҳаваскорлар агар қунт билан ишласалар, ҳаётни синчковлик билан кузатсалар. ўз билимларини чуқурлаштира борсалар яхши шеърлар ёза оладилар, деб умид қилиш мумкин.

Яна бир тоифа ҳаваскорлар борки, уларнинг шеърларида техник томонлар—вазн, қофия, туроқ, бўғин — ҳаммаси жойида. Аммо уларда на муҳим гап, на дилни қитиқловчи туйғулар бор. Декларативлик ҳамма билган ҳақиқатларни такрорлаш мавҳумлик бу тоифа ҳаваскорлар шеърларининг энг характерли хусусиятларидир. Фарғоналик Ю. Тўраев, О. Эргашев, тошкентлик Т. Ўрмонов, Ф. Қодирхонов, И. Ҳасанов, Ҳ. Абдужабборов, Г. Темиров, Г. Зоитова, М. Файзиева, Ф. Исроилов, янгийўллик Б. Абдураимов, бухоролик И. Ёдгоров, қашқадарёлик Н. Тоғаев ва бошқаларнинг шеърларида ана шу нуқсонлар сезилади. Бунинг асосий сабаби, ўз устида қунт билан ишламаслик, изланмасликдир.

Шу нарса қувончлики, ҳаваскорларнинг шеърларида қаламга олинган мавзулар уфқи, тобора кенгаймоқда. Уларда ранг-баранг туйғуларни ифода қилишга интилишни ҳам, ҳаётда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида фикр билдиришга иштиёқни ҳам кўрамиз.

Аммо ҳамма гап ана шу мавзуни бадиий ифода этиш, ўқувчи қалбига ва онгига таъсир этадиган қилиб тасвирлашда. Чунки бадиийлик — ҳар бир шеърнинг асосий ўлчовидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, кўплаб ҳаваскорларнинг шеърлари бугунлай талабга жавоб бермайди. Тошкентлик А. Худойбердиевнинг қуйидаги мисраларига диққат қилинг.

Севги нишонасими, бу,
қалбимда туғён урар,
Гўё тоғ шалоласи ҳар
томон садо сочар?
Гўё баҳор шабадаси
майин, соз эсар,
Шивирлаб юрагим (?)
тинмай оҳ чекар.


Ҳаваскор ўз севги туғёнларини қаламга олмоқчи бўлган. Аммо ҳеч қандай тайёргарликсиз иш бошлаган. Бу нарса, шеърнинг аҳамияти, йўналиши ҳақида унинг таассуротлари саёз эканлигидан келиб чиққан. Тошкентлик М. Исмоилов, С. Розиқов, С. Роҳаталиев, Ў. Мирзаев, М. Исҳоқов, Ҳ. Исматов, А. Ғафуров, Ҳ. Абдужабборов, А. Худойбердиев, Н. Файзиев, Г. Юсупова, Р. Турсунов, Б. Жалилов, наманганлик А. Валатов, олмалиқлик А. Суворов ва бошқаларнинг шеърлари ҳам ўта даражада бўш. Бу ҳаваскорлар энг аввало шеърият ҳақидаги, ижодкор масъулияти тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиришлари керак.

Шеър—фикрий янгилиги, ҳиссий равшанлиги ва гўзаллиги билан қимматли. Муаллиф бирор шеърни ёзишдан олдин, аввало, бу билан ўқувчига нима демоқчилигини, унинг туйғулар олами ва онгини нима билан бойитмоқчи эканлигини аниқлаб олиши лозим. Зотан, ҳар бир шеър —ўз қалбининг ва ўзгалар қалбининг яширин туйғуларини, сирли томонларини кашф этиш демакдир. Кашфиёт эса изланишлар, ўқиш-ўрганиш туфайли келади.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЭЛЕКТРА»

МОСКВА. СССРда биринчи тўла автоматлаштирилган «Электра» кир ювиш машинаси Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасининг «Электротехника» павильонида намойиш қилинмоқда. Машинага тўрт килограмм кир сиғади ҳамда программ равишда бошқарилади.



«ҲАЁТ ИЛДИЗИ»

Гродненск областининг Шучинск районидаги «Большое Можейково» совхозида турли-туман шифобахш ўсимликлар ўстирилади. Бу ерда Узоқ Шарқ ўрмонидан келган женьшень ўсимлигини ҳам учратиш мумкин. Совхоз ана шу «ҳаёт илдизи»нинг уруғларини мамлакатимиз илмий ва тажриба станцияларига етказиб туради.

СУРАТДА: айрим женьшенларнинг оғирлиги 200 граммга етади. (ТАСС фотохроникаси.)



ЭГРИ ЙЎЛДАН...

«КАМАЛАК» ОПЕРАЦИЯСИ

Кўча ҳаракати хавфсизлиги уч ойлиги давом этмоқда

— «Чап»га юк ташиш, «чап»га одам ташиш, «чап» йўл билан пул ишлаш...

Бундай сўзларни тез-тез эшитиб туришимизга тўғри келади. Бу сўзлар қандай маъно англатиши ҳаммамизга аён. Лекин шуни эътироф этишимиз керакки, биз унинг келиб чиқиш сабабларига кўпинча лоқайд қараймиз.

Ҳаром йўл билан пул топиш, меҳнаткашнинг ҳалол ҳақига хиёнат қилиш каби хунук ҳодисалар кўпинча «ўнг» деган сўз билан эмас, негадир «чап» деган сўз билан ишлатилади. Табиий, «ўнг» деган сўз ҳаққоний, қонуний маънони англатади. Бу ҳақда баҳслашиб ўтириш бизнингча ортиқча. Бугун биз автобус ҳамда маршрут таксилари ҳайдовчиларининг танлаб олган йўллари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бундай қараганда, уларнинг ҳаммаси белгилаб қўйилган одатдаги кўча ва проспектлар бўйлаб ҳаракат қилаётганга ўхшайди. Бироқ, уларнинг йўллари ҳар хил. Кўпчилик ҳайдовчилар учун бу ҳалол меҳнат қилиш йўли, баъзи бировлар учун эса бу эгри-бугри йўл, ҳаром пул ишлаш йўли.

Ана шу баъзи бировлар ҳақида, ўзининг шоферлик шарафини булғаганлар ҳақида сўзламоқчимиз. Бундай ҳайдовчилар юзаки қараганда арзимас чақа кетидан қувиб, амалда эса давлатга катта зиён етказажакларини кўпинча хаёлимизга ҳам келмайди.

Рейд бригадамиз аъзолари текшириш пайтда аниқлаган айрим хунук фактларга эътиборингизни тортмоқчимиз.

«Қ у ё н л а р»


ОДАТДА пассажир транспортда кетаётиб, билет олмаган гражданларни «қуён» деб аташади. Ана шундай «қуён»лар билан биз шаҳарлараро қатнайдиган автобусларни тежширганимизда дуч келдик. Асосий гап булар ҳақида эмас албатта. Чунки, айб баъзида бундай пассажирларда ҳам эмас. Нима учун шундайлиги ўз-ўзидан маълум.

Тошкент-Янгийўл экспресс автобуси (ТШЕ 56-10) белгиланган манзилга йўл олганди. Бироқ, ГАИ ходими сигнали билан, бу автобус бир неча минут тўхтаб туришига тўғри келди. Биз билан учрашганда ҳайдовчи негадир жуда ҳаяжонланиб турарди. Унинг нима учун қалтирашини биз сал кейинроқ фаҳмладик: тўрт пассажир билетсиз кетаётган экан.

— Паришонхотирлик билан билет йиртиб бериш эсимдан чиқипти, — ўзини оқламоқчи бўлди шофёр.

Бироқ бундай сирли «паришонхотирлик» ана шу ҳайдовчининг чўнтагига 1 сўму 20 тийин қўйганига нима дейсиз?

Чимкентдан Тошкент томон йўл олган ТШД 79-16 автобуснинг ҳайдовчиси В. Кораевнинг хотираси ҳам паст бўлиб чиқди. У олтита пассажирдан 2 сўм 75 тийиндан йўл кира ҳақи олди. Олишга олди-ю, билет йиртиб беришни «ёд»дан чиқарди.



ТШЕ 30-28 автобусида эса саккиз билетсиз пассажир бор эди. Уларнинг «қуён»га айланишида ўзлари айбдор эмаслигини тушунаётгандирсиз? Шофёр Х. Элеватериади ана шу «қуён»ларнинг ҳар бири 1 сўм 75 тийиндан тўлаши лозимлигини ёдидан чиқармади, албатта.

Бу ҳаром қўллар — «паришонхотир» ҳайдовчилар қилмишига яраша жазо олишига аминмиз.

3-автопарк автобуси салонида (парк номери—120) Х. Жабборов билан рўпара келдик. Бу ҳайдовчи ҳисоб-китобда, айниқса, пул санашда жуда уста экан. Ўттиз кишининг ҳар биридан беш тийиндан йиғиб олинса, қанча пул бўлишини у беш панжадек биларди. Унинг биринчи эрталабки рейси Студентлар шаҳарчасидан Комсомол майдони томон эди. Кассаларда бир дона ҳам билет йўқ эди. Ҳайдовчи пассажирлар чиқаётганида улардан беш тийиндан йиғиб олди.

3-автопарк раҳбарлари бу хунук воқеага қандай баҳо беришаркин? Ўз нафсини ўйлаб ҳаром пул кетидан қуваётган бундай ҳайдовчилардан давлат транспортини ҳоли этиш дурустэмасмикин? Шундай қилганда план мунтазам бажариладиган бўлади, давлатга ҳам зиён етмайди.

Бу ҳақда 9-шина ремонти заводи маъмурияти ҳам ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Бу корхонага қарашли ТШБ 81-96 машинаси (ҳайдовчи П. Мирхонов) ўзи кўзлаган манзил томон йўл олганди. Қўлидаги қужжатда маршрут «шаҳар бўйлаб», деб умумий ва новник ёзиб қўйилган эди.

— Кимларни олиб кетаяпсиз? — қизиқиб сўрадик биз.

— Кимни бўларди? Ишчиларнинг,—дадил жавоб берди П. Мирхонов.

— Ахир, ишчилар ҳозир завода-ку, сиз бўлсангиз «Октябрь» бозорида юрибсиз? — эътироз билдирдик, —мана бу 35 пассажирни қаердан ўтказдингиз?

Ҳайдовчи яна ўзини оқлашга ҳаракат қилмоқчи бўлди, лекин унинг фойдасиз эканлигини фаҳмлаб лом-лим демай қолди.

Худди шундай ҳайдовчилар-нинг яна иккитаси билан биз Фарҳод кўчасида таништик.

А. Зайцев ўзини санъатга алоқадор киши деб билади. Ахир, у бошқарадиган ГНА 38-25 автобуси «Узбекфильм» студиясига қарашли. Шунинг учун ҳам у ўз «истеъдод»ини ишга солиб, автобусда ўзи билан бирга ишлайдиган санъат ходимларини олиб бораётганини пеш қилиб, бизни ишонтиришга бўлди. Бироқ, Оқтепа майдонида кинематографияга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган пассажирларни автобусга мамнуният билан ўтказаётганини биз кўриб турганимизни у сезмаган эди албатта. Ҳар бир пассажир бошига А. Зайцев 10 тийиндан кира ҳақи белгиларди. Бундай ўзбошимча белгиланган нархни 8-автопаркка қарашли ТНГ — 31-35 (ҳайдовчи С. Толипов) ва Тўқимачилик комбинатига қарашли ТНВ 34-52 (ҳайдовчи Р. Магдеев) автобусларида ҳам кўрдик. Уларнинг ҳаром йўл билан пул топиш кетидан қувганларини суриштирганимизда, бўлар-бўлмас баҳоналарни эшитдик.

— Биз йўқ деб туриб олсак ҳам, пассажирлар қулоқ солмай ,ўзлари ўтириб олишди, — дейишди бу ҳайдовчилар. Бироқ бу нақадар бачкана баҳона эканлиги ўз-ўзидан маълум. Одатда, бундай ҳайдовчилар масъулиятдан, жавобгарликдан қочиш учун ҳар хил сабаблар ўйлаб топишади. Бироқ, бу сабаблар ҳамиша ўша ҳайдовчи учун хунук оқибатларга олиб келади.

Қизиқарли рақамлар

МАРШРУТ таксилар аллақачон ҳамшаҳарларимиз эътиборини қозониб қўйган. Аэрофлот рекламаларида учрайдиган «тез, фойдали, қулай» деган сўзларни маршрут таксилари шаънига ҳам ишлатса бўлади.

«Фойдали ва қулай» сўзларини фақат пассажирларгагина алоқадор десак, баъзи бир ҳайдовчилар ранжиб қолиши мумкин. Ана шу «баъзи бир» ҳайдовчиларнинг давлат ҳамда пассажирлар манфаати билан иши йўқ. Мана, бир неча рақамларга разм солинг.

Биз биринчи маршрутдаги олтита машина ишини кузатдик. Жами бўлиб улар 70 пассажирни манзилига элтиб қўйибди. Бироқ, билетлар эса жами 57 дона йиртилибди. Уч сўм 25 тийин кимнинг чўнтагига тушганини билиш учун бош қотириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат биттагина рейсда, олтитагина машинада шундай ҳол рўй берди. Қизиққан ўқувчи бу ҳисоб-китобни ўзи мустақил ҳолда давом эттириши ҳам мумкин. (Шуни эслатмоқчимизки, ҳамшаҳарларимизга ҳар куни 220 маршрут такси хизмат қилади). 2519-автоколонна раҳбарлари қонда бузар ҳайдовчилар номларини айтиб беришимизни ҳаклн равишда талаб этишди. Уларнинг талабини бажо келтирамиз.

Ю. Дохновский — ТНГ 79-46, С. Зияев ТНВ 88-14, Ю. Колоткин ТНГ 85-68, П. Устянский ТНГ 93-21, Ф. Камолиддинов ТНД 94-69, Ю. Кабица ТНД 94-70.. Булардан Ф. Камолиддинов ГАИ ходимининг буйруғини назар-писанд қилмай, машинани тўхтатишни ҳам раво кўрмади.

Бу воқеаларнинг ҳаммасида биз асосан фактларнигина қайд этиш билан чекландик. Бироқ, бу воқеаларга оддий пассажир кўзи билан қараб бокинг-чи? Рейдимиз қатнашчиларидан бири худди ана шу масала билан шуғулланди. У Високовольт массиви ҳалқасида ТНД 85-70 таксисига ўтирди. Ҳайдовчи ёнидаги кутичада қачон йиртиб олингани номаълум бўлган ўнта билет ҳам бор эди. (Одатда кўп ҳайдовчилар ана шундай қиладилар) Пулни олишга-оладилар-ку, пассажирга билет йиртиб беришни «эсларидан» чиқарадилар . Бу ҳайдовчи ҳам маршрут охиригача 14 одам олиб бораётиб, билет рулонига қўл ҳам тегизмади.

Худди шу машина Пушкин кўчаси бўйлаб кетаётганида рейдимиз группаларидан бирининг аъзоси текшириш ниятида уни тўхтатганди. Ҳайдовчи А. Абдулахатов даставвал парво ҳам қилмади. Афтидан ҳар гапгидек бу гал ҳам осончлик билан қутула қоламан деб ўйлади шекилли. Бирок, жиддий текшириш унинг кўзини мошдай очди. Дарҳақиқат, юзаки назорат натижасида кўп такси ҳайдовчилар ўзларини ана шундай масъулиятсиз ҳис этадилар. Биз пассажирлардан билет талаб қилганимизда, улар кифт қисиб қўйишди. Уларнинг биттасида ҳам билет йўқ эди. Бу ҳам камлик қилгандай, улар шофёр ёнини ола бошлашди.

— Ҳайдовчи билет бермоқчи бўлди, лекин биз ҳожати йўқ деб айтдик, — дейишди улар.

Худди шу таксида рейд бригадаси аъзоси борганлиги ва битта ҳам пассажирга билет таклиф этилмаганлиги айтилганида, пассажирлар изза бўлиб қолишди, ёлғон гапларидан ҳижолат тортиб, лом-лим деёлишмай қўйишди. Айниқса, таъминот ходими Дмитрий Евсеевич Гершинзон «Светлана» магазини ёнидаги бекатда чиқиб олиб, ҳеч нарсадан хабарсиз ҳолда бизга бақира кетди.

— Намунча бу ҳайдовчига ёпишиб олдиларинг? Ахир, халқ нима деётганини эшитиб турибсизлар-ку — пассажирларга ишора этди у. Лекин у айтган «халқ» аллақачон ҳижолатдан оғиз очмай ўтирган эди. Ўз фамилиясини айтишдан бош тортган портфелли бир пассажир ҳам шофёрни ҳимоя қила бошлади.

Шундай қилиб, ҳайдовчи Абдулахатов диспетчер томонидан назоратнинг пастлигидан фойдаланиб, (қўлидаги ҳужжатда ҳеч қандай белги қўйилмаган эди) «чап» рейсларга борди, давлат чўнтагига ҳаёсизларча қўл солди. Бундай ҳаром томоқнинг ёнини оладиганлар топилаётганлиги кишини таажжублантиради, албатта. Агар, мана шу эгри қўл 80-75 таксисида кетаётган пассажирларнинг бирортасининг чўнтагига қўл солсами, ундай пассажир жим турмасди, албатта. Бундай ён олишлар натижасида шофёр ўзини бемалол ҳис этади. «сувдан қуруқ чиқишига», жазосиз қолишига ишонади. Текинхўр ҳайдовчилар пассажирлар ҳимоясидан сўнг бундан ҳам ёмонроқ ишларга қўл урадилар. Пассажирлар «арзимаган чақа билан давлатнинг бир эри кам бўлармиди» деган тушунчадан воз кечиб, ҳаром томоқларнинг ёнини олмасликлари, аксинча уларни ушлаб беришлари керак. Бу иш билан махсус ташкилотларгина эмас, биз ҳаммамиз шуғулланишимиз керак. Ана шундагина текинтомоқлар барҳам ейиши мумкин.



ТНГ 62-22 «Маршрутка»сини текширган пайтда ҳам биз худди шундай воқеага дуч келдик. С. Гаврилов беш йилдан бери такси ҳайдайди. Бу пайт ичида у анча пишиқ бўлиб олганга ўхшайди. Ҳар бир рейсда ўнўн битта билет йиртиб бериш билан чекланади. бу одат тусига кириб қолган экан. Норма шунча эмиш. Йўл-йўлакай таксига ўтирган пассажирлар эса кира ҳақини Гавриловнинг ўзига тўлашар экан. Шу куни охирги рейсда у бешта «ортиқча пассажирни олиб кетаётган эди. Улардан олган кира ҳақини бамайлихотир чўнтагига сола қолди. Шу куни у ўн бир марта рейс қилган бўлса чўнтагига қанча пул тушганини билиб олиш қийин эмас. Шу нарсани ҳам таъкидлаш керакки, диспетчер қайд этган қоғозда сўнгги рейс соат 18 дан 15 минут ўтганда тўғаши лозим экан. Биз эса бу машинани Аэропорт майдонида соат 20 дан 45 минут ўтганида тўхтатдик. Шофёр икки ярим соат мобайнида нима ишлар билан шуғулланган бизга қоронғи.

Гаврилов хотини бетоб эканлигини пеш қилиб, кечирим сўрай бошлади. Ахир, хотини унга жиноят ўлига кир деб айтмаган бўлса керак?

* * *

БУ РАҚАМЛАР шундан далолат беради-ки, баъзи бир маршрут таксилари ҳамда автобуслар ҳайдовчи нонига исноднелтирувчи эгри қўл шахсларга топшириб қўйилган. Бундай шахсларга нисбатан қатъий кураш бошлаш керак.

Линияларда машиналар ишини назорат этишни янада кучайтириш зарур.

Айбдор шофёрларни қаттиқ жазолаш ҳамда жамоатчиликни бу ишдан воқиф этмоқ керак.

«Йўл варақа»ларини тўлғазишда тартиб ўрнатиш лозим.

Ўз-ўзига хизмат кассалари ташкил қилинса дуруст бўлур эди. Мамлакатимиздаги кўпгина шаҳарларда таксиларда худди ана шундай кассалар мавжуд. Бу нарса бемалол ўзини оқлаб келяпти. Шундай кассалар шаҳар автобусларида ўрнатилган-ку. Қонда бузар ҳайдовчиларни фақатгина маъмурий йўл билан жазолабгина қолмай, ўзининг ҳаром ниятлари йўлида машинадан фойдаланган учун ундан пул ундириб олиш ҳам керак.

Транспорт устидан назорат қилиш ишларига шаҳар жамоатчилигини кенг жалб этмоқ зарур.

25-15 пассажирлар ташиш шаҳар трести автоколоннасининг маршрут таксилар филиали раҳбарларидан биз бу таклифларимизга жавоб кутамиз.

Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ички ишлар бошқармасининг ГАИ профилактика бўлими ҳамда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари рейд бригадаси.

Планетамиз янгиликлари

● *Социализм мамлакатларида*

Вашингтоннинг сурбетлиги

— Улар Вьетнамда америкалик ёшларнинг қонини оқизишни давом эттириш учун менинг эримни ўзларига ниқоб қилолмайдилар.

Эри вьетнамликлар қўлида асир бўлиб ўлган Луис Ф. Жонс хоним ана шундай деб айтди. Бу сўзларда Вьетнамдаги америкалик харбий асирлар масаласи деб аталмиш эволюция ўз аксини топган. У мамлакатнинг Вьетнамда асирга тушган ўз фарзандлари ҳақидаги «ғамхўрлиги» кўланкасида пайдо бўлди. Вазият ойдинлашгач, эса Америка расмий сиёсатининг ҳаёсиз иккиюзламалиги равшанроқ кўринib қолди. Улар ҳаво қароқчиларининг тақдири тўғрисида ясама ҳамдардлик кўрсатиб, шовинистик ҳис-туйғуларни АҚШнинг Вьетнамдаги жиноятқорона босқинчилик йўлини давом эттираверишини қўллаб-қувватлашга сафарбар этмоқчи эдилар.

Вашингтон маъмурияти «харбий асирлар тўғрисидаги масала»ни кўтариб, унинг пайдо бўлиш асл сабабларини ҳақида индамади. Агар америкалик харбий хизматчилар жанг қилиш учун Ҳинди-Хитойга жўнаб кетмасдан уйларида ўтирганларида асирлар бўлмас эдику, ахир. Вашингтон маъмурияти «инсонпарварлик» юзасидан ҳам, ҳукумат обрўсини сақлаб қолиш боисидан ҳам бу асирларни қайтаришга алоҳида эътибор берди. Бироқ Вашингтон расмий доираларининг урушни ҳимоя қилиб тўқиб чиқарган бу баҳоналари ҳам барбод бўляпти.

Бу нарса Жанубий Вьетнам муваққат революцион ҳукумати агар АҚШ бу йил Америка қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш муддатини белгиласа низоли икки томон асир олган шахсларни айирбошлаш-ни таклиф этганидан кейин келиб чиққанлиги маълум. ВДР ҳукумати ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлади. Париж музокараларида бундан бир ой олдин илгари сурилган янги таклифларнинг етти банддан энг биринчиси ана шу эди.

Биронта кишиси бедарак йўқолган (ВДР осмонида уриб туширилган ва асирга тушганлар рўйхатида 339 ном бор) 1600 оиланинг ҳис-туйғуларини ўзига қурол қилиб олган маъмурларни ҳозир шу оилалар қўллаб-қувватлаш ўрёқда турсин, танқид ўти остига олмоқда.

Шимолий Вьетнамда қўлга тушган биринчи америкалик учувчи лейтенант Эверетт Альварец бўлиб, у 1964 йили асир олинган эди. Альварецдан баъзан хат олиб турадиган унинг синглиси Делия маъноли қилиб шундай деди: биз Вьетнамни бомбардимон қилишни давом эттириб турган бир вақтда, нима учун улар асирларни озод қилишсин?

Вьетнамда бедарак йўқолганларнинг уч юз қариндоши бир группага бирлашди ва группа раҳбари Кушнер хоним маъмурларни «Жанубий Вьетнам ҳукуматини қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун харбий асирлар масаласидан фойдаланишда айблади. Гленн хоним эса: «Президент бутун ўтган вақт ичида америкаликларни уйларига қайтариш ҳақидаги далил орқасига яшириниб келди. Ҳозир асирларни қайтариш мумкин бўлиб қолганда эса у ўзини панага олмоқда» деб айтди.

«Харбий асирлар масаласи»нинг кўтарилиши ва қулаши расмий Вашингтоннинг нақадар сурбетлигини кўрсатди.

Геннадий ГЕРАСИМОВ,
(АПН).

Польша ерининг хазинаси

ВАРШАВА. Бу йил ёзда поляк геологларидан тузилган 50 дан кўпроқ қидириш партиялари фойдали қазилмаларнинг янги конларини топиш ва аниқлаш билан шуғулланишга киришди. Уч ой ичида мамлакатнинг геология картасида бир неча янги конлар борлигини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлди.

Болтиқ денгизи соҳилида ишлаб турган геологлар группаси Леба шаҳри атрофида уч километр чамаси чуқурликда нефть қатламлари борлигини аниқлади. Бу қатламларнинг бир учи денгиз ичига кириб кетган бўлиши ҳам эҳтимол. Шу сабабли қидириш ишларини олиб бораётган геологлар денгиз тагидаги суюқ ёқилғини қазиб олиш мутахассислари бўлган Боку нефтчиларига ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишди.


Глогувдаги Польшанинг энг катта мис конлари яқинида Вроцлав атрофида мис рудаларининг катта конлари борлиги аниқланди. Польшада Карпат тоғларининг этакларида топилган газ кон қудуқлари саноат учун газ берадиган бўлиб қолди ва Жешув воеводлиги шаҳарлари шу туфайли табиий газ билан таъминла на бошлади.

Совет Иттифоқининг буюртмаси билан

БЕРЛИН. Пресслаш ва формалаш ускуналари ишлаб чиқарадиган Эрфурт комбинатида енгил автомобиллар ғилдиракларини штамплаш йўли билан ясаб берадиган янги поток линия синовдан ўтказила бошланди. Бу линия бир соатда 3 мингга яқин деталь тайёрлаб беради. Бу Совет Иттифоқининг буюртмаси билан корхона коллективи тайёрлаб берган автомат линиянинг иккинчиси.

10 минг нафар ишчи ва хизматчиси бўлган Эрфурт комбинати мана шу иккита поток линияни тайёрлаб бериш билан бу йилги энг катта экспорт буюртмаларидан бирини бажарди.

(ТАСС).



Япония қирғоқлари яқинидаги очиқ денгизда жаҳонда энг катта танкер синовдан ўтаяпти. У Норвегия компаниясининг буюртмаси билан Касасаки кемасозлик верфида қурилган. 250 минг тонна сиғимли танкер 300 минг куб метр нефтни таший олади. 30 киши хизмат қиладиган кема соатига 16 узель тезлик билан юради.

Кейстон-ТАСС фотоси.

АҚШ АРМИЯСИДАН ҚОЧМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН, 1970-1971 молия йилининг ўн ойи ичидагина АҚШ қуролли кучларида 68 минг 449 киши қочиб кетди. Бу қочган ҳарбийлардан 4,5 жанговар дивизия тузса бўлар эди.

Пентагоннинг маълумотларига қараганда, Вьетнамда уруш ҳаракатларини кенгайтириш бошланган 1965 йилдан бери Америка армиясидан қочиб кетаётган ҳарбийлар сони тўхтовсиз кўпаймоқда. Обзорчининг, айтишига қараганда, солдатлар Вьетнамга жўнатиш тўғрисида буйруқ олишлари биланоқ армиядан қочиб кетмоқдалар.

(ТАСС).

15 АВГУСТ— ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ КУНИ

15 августда Гомель шаҳрида 1966 йилги уч процентли Давлат ички ютуқ займининг навбатдаги қирқ биринчи ютуқлар тиражи ўтказилади.

СССР Давлат банкининг Давлат меҳнат омонат кассалари ва Давлат кредити бош бошқармасида ТАСС мухбирига хабар беришларича, тиражда займининг ҳар бир разрядига 512.560 сўмлик 9.400 ютуқ ўйналади. Улар орасида 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар бор.

Заём облигациялари бўйича ютуқлар ҳар бир тиражда ортиб боради, чунки ютуқлар сони заём муддатининг охиригача ўзгармайди, ютуқ чиққан облигациялар эса, ютуқ тўланганидан сўнг бекор қилинади ва тиражларда бошқа ўйналмайди.

1971 йилда бу заём бўйича яна учта ютуқлар тиражи ўтказилади. Улар 30 сентябрда Ворошиловградда, 15 ноябрда Душанбада ва 30 декабрда Москвада ўтказилади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ.

13 АВГУСТ, 1971 й.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА"

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

16 АВГУСТ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Рангли телевидение. Болалар учун. Мультфильм. 17.40 Ўқувчилар учун. «Пионерия». Бутуниттифоқ пионер лагери «Артек»дан репортаж. 18.05 Пермь область Осинов маданият уйи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Станколиния» заводининг етти куни». 1-кўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Ўсмирлар учун. «Ёш куч» спорт программаси. (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.35 «АХБОРОТ» информацион программаси. 19.50 Бадиий фильм. **Ўзбек тилида:** 21.25 «АХБОРОТ» информацион программаси. 21.40 Жаҳон музика асбоблари. Гусля, бандура, цимбала, чанг. 22.20 Оламда нима гап? 22.50 Телевизион театр. С. Алешин. «Дипломант». **Москва кўрсатади.** 00.15 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун. «Тоғ болалари» Фильм-концерт. 18.20 Николай Гацунаев шеърлари. 18.50 Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 «Танишинг, лауреатлар». 20.05 Янгиликлар. 20.10 Рангли телевидение. Г. Эрнасакс раҳбарлигидаги Эстония ССР Давлат эркаклар хорининг концерти. 20.50 Қишлоқ янгиликлари. 21.00 «Муҳим ишлар терговчиси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-қисм. 22.10 «Менинг рус қўшиғим». Концерт. 22.30 Баскетбол бўйича халқаро турнир. СССР терма командаси — Италия терма командаси (эркаклар). Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Учинчи программа. 19.00 Душанба телевидение студиясининг кўрсатувлари.

17 АВГУСТ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Тонг бошланадиган ерда». Телеочерк. 13.40 Музикали киоска. 14.10 Рангли телевидение. «Тош гул». Бадиий фильм. 15.30 Беш йиллик одимлари. Телеочерк. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Ўқувчилар учун. «Анҳор», операцияси. Телеочерк. 18.05 Эфирда «МОЛОДОСТЬ». 18.30 «Станколиния» заводининг етти куни». 2-кўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «АХБОРОТ» информацион программаси. 19.20 «Чарм қўлқоп усталари билан учрашув». Спорт эшиттириши. 19.40 «Беш йиллик республика бўйлаб кезади». **Ўзбек тилида:** 20.05 «Тоғда ёз қисқа бўлади». Бадиий фильм. 21.20 Қишлоқ хўжалиги билимлари университети. 21.50 Адабий театр. Азиз Абдураззоқ. «Ер фарзанди». 22.20 «АХБОРОТ» информацион программаси. 22.35 Наманган шаҳар маданият уйи халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 23.30 «Қочоқ». Телефильм. **Москва кўрсатади:** 00.15 «Вақт» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун. Кинофильм. 18.30 «Изланиш ва топилдиқлар». **Москва кўрсатади.** 19.00 «Музика оламида». Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.05 Янгиликлар. 20.10 «Муҳим ишлар терговчиси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-қисм. 21.30 Волгоград музикали комедия театри артистларининг концерти. 22.30 Баскетбол бўйича халқаро турнир. СССР терма командаси — Югославия терма командаси (эркаклар). Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 Болалар учун телефильм. 19.10 Камер куйлардан концерт. 19.50 «Икки комедия». Кинофильм. 21.30 «Ревизор». Фильм-спектакль.

18 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Бургут болалари учишни ўрганади». Киноочерк. 13.40 Рангли телевидение. «Мардлар майдони». Бадиий фильм. 15.00 Бугун — СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ. 15.30 Янгиликлар. 15.35 Москва кўрсатувларининг охири. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Кичкинтойлар учун. «Қувноқлар даврасида» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.25 «АХБОРОТ» информацион программаси. 18.35 СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИга бағишланган кўрсатув. **Ўзбек тилида:** 19.35 Икромжон Бўронов куйлайди. 20.15 «АХБОРОТ» информацион программаси. 20.30 «Резидентнинг хатоси». Бадиий фильм. (1-серия). **Москва кўрсатади.** 21.40 Ҳужжатли фильм. 22.30 СССР Ҳарбий-Ҳаво кучлари бош қўмондони П. С. Кутаховнинг чиқиши. 22.40 Останкинода байрам оқшоми. «Ассалом, бешинчи океан». СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган концерт. 24.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Рангли телевидение. Болалар учун мультфильмлар. 18.05 Ўқувчилар учун «Ёшлар фестивали». Ханта-Мансий миллий округи болалар бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти. 18.30 «Станколиния» заводининг етти куни». 3-кўрсатув. 19.00 СССР халқ артисти Б. Руденко концерти. 19.45 «Қутблик учувчи». Ҳужжатли фильм. 20.05 Янгиликлар. 20.15 «Валерий Чкалов». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 21.40 «Музикани қандай тингламоқ керак?». Бетховен симфонияси. 22.20 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 22.50 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1947 йил ҳақидаги серияси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 «Троекуровск палаталарида». Телефильм. 19.00 Реклама. 19.10 «Унинг яшашдан мақсади». Бадиий фильм. 20.50 «Ўн иккинчи йил». Телеспектакль 21.20 Бизе-Щедрин. «Кармен» балетидан саҳналар.

19 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Ёшлар маршрутлари бўйлаб». Репортаж. 13.[illegible] Рангли телевидение. «Экваторлик йўловчи». Бадиий фильм. 14.55 «Менинг рус қўшиғим». Концерт. 15.20 Янгиликлар. 15.25 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Табиат ва инсон». 18.00 Рангли телевидение. Болалар учун. «Жасур тикувчи». Мультфильм. 18.30 «Станколиния» заводининг етти куни». 4-кўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «АХБОРОТ» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.20 Шеърият мухлисларига. Раҳим Бекниёз. 19.40 «АХБОРОТ» информацион программаси. 19.55 «Ҳаёт ва ижод». Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Гавҳар Раҳимова ижодига бағишланган кўрсатув. [illegible].10 «Чорвачилик — манфаатдорлик». Ҳужжатли фильм. (рус тилида). 21.20 «Резидентнинг хатоси». Бадиий фильм 2-серия. **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. «СПАРТАК» (Москва) — «ДИНАМО» (Москва). В. И. Ленин номли стадиондан олиб кўрсатилади. 00.15 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Спорт эшиттириши. 18.40 «Маиший хизмат». Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 Ригадаги ВЭФ заводи маданият уйи скрипкачилар ансамблининг концерти. 19.45 «Уйдаги камалак». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.05 Янгиликлар. 20.15 «Тирик мурда». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Концерт. 22.20 Рангли телевидение «Фигурали учиш спорти юлдузлари». **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Азиз юртинг омон бўлса.» Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади: Ўзбек тилида 18.00 «Йўлбарс». Бадиий фильм. 19.15 Врач маслаҳати. **Рус тилида:** 19.25 «Сўнгги қор». Телефильм. 20.15 Эстрада куйларидан концерт. 20.55 «Бўрилар ва подалар». Бадиий фильм. 1-серия.

20 АВГУСТ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Рангли телевидение. Болалар учун. «Буратино кўргазмаси». 13.40 Рангли телевидение. «Биз Тишкани қандай изладик?», Телевизион бадиий фильм. 14.40 Рангли телевидение. «Жонажон қўшиқлар». Концерт. 15.25 Янгиликлар. 15.30 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Рангли телевидение. Болалар учун. Мультфильм. 17.50 Ўқувчилар учун. «Нептун» клуби мукофоти учун». 18.15 Рангли телевидение. Кичик концерт. 18.30 «Станколиния» заводининг етти куни». 5-кўрсатув. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 19.20 «Бўстон» тележурнали. 20.35 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Бир келиб кетинг қишлоғимизга». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 21.40 «Қизлар фитнаси». Бадиий фильм (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 23.20 «Вақт» информацион программаси. 23.50 А. Хачатурян. «Гаяне». Балетнинг давоми. 01.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун. Кинофильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қанотли ёшлик шеърияти». **Москва кўрсатади.** 19.00 Белоруссия санъат усталарининг концерти. 20.05 Янгиликлар. 20.15 «Тирик мурда». Бадиий фильмнинг 2-серияси. 21.20 Концерт. 22.00 Адабий ўқиш. 22.30 «Балет билан танишув». А. Хачатурян. «Гаяне».

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 «Гваделупа мамлакати маркаси». Телеспектакль. 19.10 «Жаҳоннинг машҳур созандалари». Леонид Коган. 19.50 «Тўлқинда—02». 20.10 «Замондош билан учрашув». Концерт. 21.30 «Бўрилар ва подалар». Бадиий фильмнинг 2-серияси.

21 АВГУСТ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 10.00 «Каштанка». Болалар учун. Мультфильм. 10.30 Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси олдидан «Дўстлик чаманзори». Концерт. **Москва кўрсатади.** 10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Янгиликлар. 11.05 Рангли телевидение. Болалар учун. Мультфильмлар. 11.30 Рангли телевидение. «Қайси нарса яхшилик билан тугайди». Телевизон қўғирчоқ спектакль. 12.00 Ўқувчилар учун. «Сенга ёшлик!». 12.40 Концерт. 13.20 «Здоровье». Илмий оммабоп программа. 14.00 Концерт. **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 17.00 «Инжиқ малика». Болалар учун. Мультфильм. 17.20 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 17.35 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! Партиянинг муҳим звеноси. 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.45 «Яқин ердаги муҳожирлик». Телефильм. 19.00 «Ёш ижрочилар концерти. 19.50 Ҳужжатли фильм. 20.25 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 20.30 «Аёл этюдлари». Бадиий фильм. 22.00 Концерт. 23.00 «Эски замон помешчиклари». Телефильм. 23.50 Музикали калейдоскоп. 00.15 «Вақт» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 11.00 «Ассалом, болалар». Бадиий фильм. 12.25 «Шахтёр характери». Ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 15.00 «Ҳаёт номи билан». Телеочерк. 15.30 «Рус калейдоскопи». Телевизион музикали фильм. 16.00 «Объектив». Фотохаваскорлар учун кўрсатув. 16.30 Совет киноси тарихи саҳифалари. «Райком секретари» Бадиий фильм. 18.05 Рангли телевидение. «Гули Чохели куйлайди». Концерт. 18.35 «Станколиния» заводининг етти куни». 6-кўрсатув. 19.05 Ёзувчи минбари. 19.20 Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.30 «Икки ҳаёт». Бадиий фильм. 1-серия. 22.05 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. 22.35 «Раъно Шарипова куйлайди». Фильм-концерт. 23.10 «Икки ҳаёт». Бадиий фильм 2-серия.

Учинчи программа. 18.35 Душанба телевидение студиясининг кўрсатувлари.

22 АВГУСТ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.20 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 9.25 В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги олдидан. «Светофор». 10.00 Ёзувчилар — болаларга. Носир Фозилов. **Москва кўрсатади.** 11.00 Янгиликлар. 11.05 Музикали учрашувлар. 11.50 Қайиқда сузиш бўйича Европа чемпионати. Даниядан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган.) 12.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Моҳир қўллар». 13.00 Музикали киоска. 13.30 Сиктивкар телевидение. студиясининг программаси. 14.30 Рангли телевидение. «Баҳор сувлари». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 «Звёздочка». Кинокўрсатув. 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.50 «Замандас» программаси (қозоқ тилида). **Ўзбек тилида:** 19.30 Халқ жасорати йилномаси. «Қарши кундалиги». 19.40 «Ахборот» информацион программаси. 20.00 «Ўзимиздан бири». Бадиий фильм. 21.40 Шоир Мирмуҳсин. — студиямиз меҳмони. 22.00 Дала ишлари кундалиги. 22.20 «Назм ва наво». Мискин лирикаси. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.00 «Юзта дўст». Болалар учун кинофильм (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 11.00 Ўқувчилар учун. «Сенинг тенгдошларинг». 11.30 «Жўра». Бадиий фильм, **Москва кўрсатади.** 16.00 «Чарм тўп» клуби мукофоти учун, Ёш футболчиларнинг финал мусобақалари. 17.00 Рангли телевидение. «Диалогнинг тугалланиши», Ҳужжатли фильм. 17.50 «Бизнинг Шимолга келинг». Шимол давлат рус халқ хорининг концерти. 18.30 «Станколиния». заводининг етти куни». 7-кўрсатув. 19.00 Рангли телевидение. «Киносаёҳатчилар клуби». 19.50 Рангли телевидение. Лопе де Вега. «Пичан орасидаги ит». Телеспектакль премьераси. 22.00 Оммабоп куйлардан концерт. 22.35 «Иракли Андронников ҳикоя қилади». Ленинград филармонияси артистларининг концерти.

Учинчи программа. 19.50 Фрунзе телевидение студиясининг кўрсатувлари.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13|VIIIда **Кўмуш тўй.** 14|VIIIда **Лақма.**

КИНО

13 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Эркаклар ёзи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Ҳомий — «МОСКВА» (5.40 минутда, кеч 7.20 минутда), «ДРУЖБА» (кечқурун).

Осмон секин юради — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кечқурун).

Бегуноҳ бўлса, озод эт! — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Севги нафосати — «ҲАМЗА» (кечқурун).

Оқ процесс — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ўжар қизнинг қуйилиши — «РАКЕТА».

Оилавий ҳаёт — ТЕЛЬМАН номли.

Эркаклар ёзи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Марддан ўқ ўтмайди — «ХИВА».

14 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

«Авлиё Лука»нинг қайтиши — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳомий — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11.40 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эркаклар ёзи — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун.)

Осмон секин юради — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сингилгинам Керри — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Марддан ўқ ўтмайди — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Оливер — «МОСКВА» (кундуз соат 1.20 минут, кеч 9да).

ЁЗГИ БИНОДА

Ўжар қизнинг қуйилиши — «РАКЕТА».

Қизни изланг — ТЕЛЬМАН номли.

Эркаклар ёзи —«ФЕСТИВАЛЬ».

Марддан ўқ ўтмайди—«ХИВА».

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ «ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

8—10 синф маълумотига эга бўлган 16—24 ёшли йигит ва қизларни озиқ-овқат моллари сотувчилари қилиб тайёрлаш учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув муддати — 6 ой. Шогирдлик меҳнат ҳақи—ойига 45 сўмдан 54 сўмгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, Махсус проезди, 4-уй (14, 27 автобуслар, 2, 6, 7, 12-троллейбусларнинг «Қоратош» бекати).

Магазин адреси: Чилонзор массиви, 23 В квартал, Ғ. Ғулом кўчаси, 41-уй (9, 15, 19-трамвайлар, 2, 11, 59-автобусларнинг «Ширин» бекати).

ТОШКЕНТ 2-ТИКУВ ФАБРИКАСИГА

(Ш. Руставели кўчаси, 12-уй)

тикувчилар, қирқувчилар, тузатувчи-слесарь сантехниклар, электрчилар, тўшовчилар, ўлчовчилар, товаршунослар, ҳамда институт ва техникумларнинг кечки бўлим студентлари, уй бекалари тўлиқсиз иш хафтаси ва қисқартилган иш куни билан ишлашга

ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР

Меҳнат ҳақи ишбай — мукофотли.

Ишга қабул қилинганлар завод томонидан Олий ўқув юртларига ва техникумларга кириш учун ҳамда дам олиш уйларига, санаторий ва пансионатларда дам олишлари учун имтиёзлар берилади.

Фабрика қошида болалар боғчаси комбинати ишлайди.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ГОМЕЛЬ ШАҲРИДА 15 АВГУСТДА

1966 йилги 3% Давлат ички ютуқ заёмининг

41-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда заёмнинг бир разрядига **512560** сўмлик **9400** дона ютуқ ўйналади. Шу жумладан **5000, 2500, 1000, 500, 100 40** сўмлик ютуқлар мавжуд. Ҳаммаси бўлиб бир йил ичида заёмнинг бир разрядига **4100480** сўмлик **75200** дона ютуқ ўйналади.

Заём облигациялари омонат кассаларида бемалол сотилади ва сотиб олинади.

ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИЗОР

13 АВГУСТ
ЖУМА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 19.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.35 «Терим агрегатлари мавсумга шай бўлсин». 20.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 21.05 «Форсайт ҳақида қисса». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 26-серияси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.00 Ҳужжатли фильм. 22.45 Шотурсун Ғуломовнинг адабий портрети (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 «Бухоро». Телефильм. 18.30 Реклама. 18.40 «Фанга бағишланган ҳаёт». **Москва кўрсатади.** 19.00 Ўқувчилар учун. «Чарм тўп» клуби мукофоти учун. 19.30 Концерт. 20.00 Янгиликлар 20.50 Рангли телевидение. «Оила тантанаси». Телеспектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 21.05 «Тилла тиш». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.40 «Китоб дўкони». 23.15 Музикали учрашувлар. 23.50 Киноочерк.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 20.00 «Ёғочдан таралган садолар». Музикали кўрсатув. **Рус тилида:** 20.40 «Тўлқинда — 02». 21.10 «Тикланиш». Ҳужжатли фильм. 21.45 «Ҳеч ким ўлишни истамайди». Бадиий фильм.

14 АВГУСТ
ШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ. **Биринчи программа. Тошкент кўрсатади.** 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Болалар учун қўғирчоқ фильм (рус тилида). 10.20 Телевизион миниатюралар театри (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Рангли телевидение. 11.05 Рангли телевидение. «Денискин ҳикоялари». Болалар учун кинофильм. 12.15 «Жасорат». Телевизион альманах. 12.50 «Танишинг—лауреатлар». А. Бахчиев, А. Корнеев. 13.40 Болалар учун. «Ажойиб нарвонча». Телефильм. 14.10 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.50 Ўқувчилар учун. «Қувноқ стартлар». **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **Ўзбек тилида:** 17.10 Ўқувчилар учун. «Қувноқ пионер ёзи». 17.40 Болалар учун мультфильм. 18.00 Бугун —Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 19.00 «Ахборот» информацион программаси. 19.15 Эстрада шинавандалари, сизлар учун! Мурод Содиқов куйлайди. 19.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 20.00 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. ЦСКА—«ДИНАМО» (Москва). 21.45 Рангли телевидение. Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Хельсинкидан олиб кўрсатилади 22.45 «Вақт» информацион программаси. 23.15 Концерт. 00.15 Ҳужжатли фильм. 00.30 Рангли телевидение. Рус опералардан саҳналар. 01.10 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.30 «Ўлмас гарнизон». Бадиий фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 15.20 Телевизион музикали спектакль. 17.05 «Поэзия». Шоир Анатолий Софронов студиямиз меҳмони. 17.35 «Оқшом тароналари». 18.20 Рангли телевидение. «Мариса ва Наполеон» Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.00 «Багишлов». Ҳужжатли фильм. 20.50 Цирк томошалари. 21.50 Халқ ҳофизлари концерти. 22.10 «Виринея» Бадиий фильм.

Учинчи программа. 17.35 Душанба кўрсатади.

РАДИО

13 АВГУСТ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Илмий-атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). 18.10 Ёшлик қўшиқлари. 19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). 20.00 «Узбекистан индустриальный» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 М. Қориев. «Жийда гуллаганда». Талабларга мувофиқ радиопостановка (ўзбекча). 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбек музикали драмаларидан парчалар. 20.00 Тожик халқ қўшиқлари. 20.30 СССР халқларининг қўшиқлари. 20.50 «Касб ҳақида ҳикоя қиламиз». Механизатор фермада (русча). 21.00 СССР Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар. Ю. Бондарев. «Сталинград аёзи» романидан боб (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.

14 АВГУСТ
ШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Якка созларда ижро этиладиган куйлар. 8.25 Халқ талантлари концерти. 9.30 Шўх оҳанглар. 10.30 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 11.15 «Дугоналар» радиожурнали. 12.15 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 13.30 Физкультурачилар учун концерт. 15.10 «Правда» газетасининг обзори. 15.20 Маданият радиоуниверситети (ўзбекча). 16.10 «Мақом нима?». Музикали эшиттириш. 17.20 Уйғур куйлари. 17.50 «Идеология ва ҳаёт» (ўзбекча) 18.00 Чўлқуварлар учун концерт. 18.40 Спорт эшиттириши, Бугун физкультурачилар куни (ўзбекча). 19.20 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.00 Халқ жасорати йилномаси. «Қарши кундалиги» (ўзбекча). 20.30 Қурувчилар учун концерт (ўзбекча). 21.00 Москва. «Инсон ва қонун» радиожурнали. 21.30 Дала меҳнаткашлари учун кечки концерт. 22.15 Р. Глиэр, Т. Содиқов. «Лайли ва Мажнун» операсининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Концерт. 9.15 Спорт эшиттириши (русча).

19.00 Э. Сиддиқов. «Ҳусния» повестидан боблар (ўзбекча). 20.00 Ҳофиз ва Жомий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 20.30 Куйлардан қўшиқларга. 20.50 «Профилактика ва саломатлик». Профессор А. З. Зоҳидов. «Ёз касалликлари» (русча). 21.10 «Жисмоний тарбия — ҳамроҳингиз» (татарча). 21.30 Кечки музикали учрашувлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 «Шўх бурилиш». Музикали эшиттириш. 15.00 А. С. Пушкин. «Руслан ва Людмила», радиоспектакль (ўзбекча). 17.00 Л. Бетховен. В. Гётенинг «Эгмонт» трагедиясига куйлар. 18.00 Фурқат лирикаси.

19.00 «Дугоналар» радиожурнали.

---

1 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

З. Н. Береговская: «Ҳомиланинг радиоактивлик ва теротогенезининг баъзибир кўрсаткичлари ва уларни ҳомиладорликни ўтиши ҳамда тугалланишига таъсири» деган темада.

* * *

1 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Г. Д. Измайлова: «Янги дефолиант акрофолнинг гигиеник ва токсикологик хусусиятлари тадқиқоти» деган темада.

* * *

15 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институт даволаш ва стомотология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси 1-зал)да медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

Г. А. Фейгин: «Қизилўнгач, нафас йўллари ва қулоқнинг шамоллаши, деструктив жароҳатланишининг патогенези ва даволанишига оид» деган темада.

* * *

15 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал)да медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

К. М. Мирзаев: «Суринкали тонзиллит, бод ва сил касал болаларда вирусли гепатитнинг ўтиш хусусиятлари» деган темада.

* * *

22 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Э. Назаров: «Тўқималарни танага кўчириб ўтказилганда ҳосил бўлган иммунитетга рентген нурларини ва гассиполни таъсири» деган темада;

Ш. И. Каримов: «Буйрак аллотрансплантацияси ва ослиний антилимфацитарний иммуний глобулин, госсипол-барбитур кислота билан иммунодепрессив терапияси» деган темада

* * *

22 сентябрь кундуз соат 2да Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Э. Х. Ҳаммадова: «Болаларда микроцефалия сабабини ва клиникасининг ўрганиш маълумотлари» деган темада;

Ю. И. Калиш: «Йирингли касалликларда оксидланиш—қайтарилиш процесслари ва тўқима нафас олишининг баъзи кўрсаткичлари ва уларга гидрокортизоннинг таъсири» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103-уй)да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ГАЗОПРОВОДЛАР МАГИСТРАЛИ БОШҚАРМАСИГА

(Б. Хмельницкий кўчаси, 21-уй, телефонлар 55-26-16, 55-28-33)

Тошкент-Фрунзе-Олмаота газопроводи қурилиш дирекциясининг Тошкент шаҳрида ишлаш учун **бош бухгалтер, Муборак линиясининг** ишлаб чиқариш диспетчер станциясида алоҳида балансда ишлаш учун **ҳисоб-контроль группасига раҳбар** (катта бухгалтер, 40% мукофот, территория коэффициенти 55%), асосий фондларни қайта нархлаш бўйича **маланали бухгалтерлар ва инженер-қурувчилар,** (пенсионерлар сафидан ҳам бўлади), **омбор ишчилари**

КЕРАК

«МЕДИЦИНА» НАШРИЕТИГА

(Навоий кўчаси, 30-уй, тел. 44-51-72)

бош бухгалтер, ишлаб чиқариш бўлимига бошлиқ, техник редактор

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими 33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР А—2628. Р—02702